

**“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” акциядорлик жамиятининг 2016
йил 1 январдан 2016 йил 31 декабрга бўлган молия-хўжалик фаолияти
текшируви бўйича ички аудит хизмати йўғма**

Ҳ И С О Б О Т И

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

МУНДАРИЖА

ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ
МАЪЛУМОТЛАР

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.....

. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИ.....

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ.....

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ.....

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИ.....

ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИ.....

БИЗНЕС РЕЖАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.....

ЯКУНИЙ ҚИСМ.....

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK
ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ
МАЪЛУМОТЛАР

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” акциядорлик компанияси Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 25-уйда жойлашган. Жамият ўзининг мустақил балансига, банкда ҳисобрақамига ҳамда номи кўрсатилган муҳрига эга. Жамиятга ХАТ “ДАВРбанк” хизмат кўрсатади. Жамият ушбу банкда куйидаги ҳисобрақамларига эга:

Асосий ҳисобрақам 20210000600127002001

Жамиятга солиқ рўйхатидан ўтказилганда берилган СТИР (ИНН) 201221898, ОКОНХ 69000.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АК давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб юридик шахс ҳисобланади ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича устав капитали, резервлари, тақсимланмаган фойда ҳамда бошқа ўз маблағлари манбалари суммаси доирасида жавобгар ҳисобланади.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКнинг низомига кўра унинг ижроия органи Бошқарув Раиси ҳисобланади. Текширув ўтказилаётган даврда Бошқарув Раиси имзо қўйиш ҳуқуқи билан Шодиев А.Х., бош ҳисобчи лавозимида молиявий ҳужжатларга иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан Нурматова С.Ю. ишлаган:

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКнинг ички аудит текшируви ички аудит хизмати бошлиғи Игамбердиев Б.А. (26.06.2015 йилдаги 000308-сонли малака сертификатига асосан) томонидан амалга оширилди.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Ички аудитнинг мақсади **“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH”** АКнинг тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини, корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини, активларнинг ҳолатини, ички назоратнинг ҳолатини текшириш асосида хулосалар шакллантириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва тўпланган ахборотларни кузатув кенгашига тақдим этишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг аудит, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва тадбиркорлик соҳасига оид қонун ҳужжатлари меъёрларига асосланган.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

Аудитни ўтказиш жараёнида қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилди:

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKнинг 2016 йил учун тасдиқланган бизнес режаси ҳамда унинг бажарилиши назорати билан боғлиқ материаллар;

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKнинг буйруқлари, кузатув кенгаши ҳамда акционерлар умумий йиғилиши қарорлари ҳамда уларнинг ижроси назоратига оид ҳужжатлар;

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKнинг молиявий ҳисоботлари;

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKнинг солиқ ҳисоб-китоблари;

Бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ҳамда бош дафтар маълумотлари;

Бошқа ахборот манбалари.

2016 ЙИЛ УЧУН ТАСДИҚЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАНИНГ “O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK ТОМОНИДАН БАЖАРИЛИШИ

Акционерлик Компания 2016 йил бизнес режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Компания Давр харажатлари бизнес режадаги 1324100,0 минг сўм ўрнига 1000761,0 минг сўмга, яъни 76,0% бажарилган. Асосий фаолиятнинг бошқа жараенларидан олинган фойда курсаткичи бизнес режада 1180500,0 минг сум урнига 849747,0 минг сумга, яъни 72% бажарилган. Дивидендлар шаклида олинган фойда курсаткичи бизнес режада 210300,0 минг сум урнига 217688,0 минг сумга, яъни 103,5% бажарилган.

Солиқ тулангунга кадар фойда курсаткичи бизнес режада 66700,0 минг сум урнига 68194,0 минг сумга, яъни 102,2% бажарилган.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK томонидан умумий ҳолда бизнес режада белгиланган асосий молиявий натижа кўрсаткичлари бажарилган. Лекин хусусий ҳолда таҳлил этилганда Бошқа даромадлар 40% камайтириб юборилганлигини куриш мумкин. Лекин умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад кўрсаткичлари бизнес режага кўра бажарилган, шунга мутаносиб равишда соф фойда кўрсаткичи 102% бажарилган.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб “O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKда 2016 йилда бизнес режа кўрсаткичлари бажарилганлигини хулоса қилиш мумкин.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKning tizimida 10 ta masʼuliyati cheklangan jamiyat shaklida va 2 ta akcionerlik jamiyati shaklida korxonalar mavjud boʻlib, ularning har biri uchun 2016 yilga mʼljallangan biznes rejalar ishlab chiqilgan hamda tegishli tartibda tasdiqlangan.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ

Акциядорлик компаниясини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир. 2016 йилда белгиланган муддатларда акционерларнинг умумий йиғилиши ўтказилган. Акционерлар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи барча масалалар акционерлар умумий йиғилишида кўриб чиқилган ва қарорлар қабул қилинган.

Компаниянинг кузатув кенгаши компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. 2016 йилда компаниянинг кузатув кенгаши ўзининг ваколатларига кирувчи барча масалалар юзасидан белгиланган вазифаларни бажарган.

Компаниянинг ижроия органи бошқарув Раиси ҳисобланиб, 2016 йилда ўз фаолиятини қонунда белгиланган ваколатлари доирасида олиб борган.

Компаниянинг бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларнинг ижроси назоратга олинган. Ички аудит хизмати томонидан 2016 йилда компания бошқарув органларининг ўз ваколатлари доирасидан чиқиб ҳаракатлар қилиниши, қонун ҳужжатларига амал қилинмаслиги, иқтисодий ва бошқа жиҳатдан асосланмаган қарор ҳамда буйруқларнинг чиқарилиши, муассисларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши ҳолатлари мавжудлиги аниқланмади.

Компанияда 2015 йил якуни бўйича олган даромадидан 12368,2 минг суми таъсисчига дивиденд ҳисобланган ва тулик тулаб берилган.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБНИНГ ҲОЛАТИ

2016 йилда **“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH”** AKда бухгалтерия ҳисоби **“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ishlab chiqilgan низомлар ҳамда йўриқномалар асосида юритилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 15 июнида 47-сонли буйруқ билан тасдиқланган **“Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низом”**га асосан компания ҳар чоракда ўз ҳисоботларини тайёрлаб, чорак тугаган ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар тегишли органларга ҳамда

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

кузатув кенгашига тақдим этган. Компаниянинг 2016 йил учун тайёрланган молиявий ҳисоботи 2017 йилнинг 15 февралига қадар тегишли органларга ва кузатув кенгашига тақдим этилган. Ички аудит хизмати томонидан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланмади.

2016 йил учун тайёрланган ва тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йилнинг 22 декабридаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар”га мос келади. Яъни, компаниянинг чораклик молиявий ҳисоботлари “Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)”, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)”ларни, йиллик молиявий ҳисоботлари эса “Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)”, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)”, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-сонли шакл)”, “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-сонли шакл)”ларни ўз ичига олган. Молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичлари юқорида таъкидланган қоидаларга мувофиқ шакллантирилган. Молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар бир-бирига мувофиқ келган.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР АУДИТИ

Жамиятнинг асосий воситалари №5 “Асосий воситалар” номли БҲМС ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан ички аудиторлик текширувдан ўтказилди.

Корхонанинг 2016 йил учун тузилган молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра 2016 йил 31 декабрь ҳолатига асосий воситаларнинг қиймати қуйидагича бўлган:

минг сўмда			
№	Кўрсаткич	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	Бошланғич қиймат	338250	403160
2	Эскириш суммаси	126092	197708
3	Қолдиқ қиймат	212158	205452

2016 йилнинг 1 январь ҳолатига компанияда мавжуд бўлган асосий воситалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган қайта баҳолаш индекслари асосида қайта баҳоланган.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва сақланишини, уларнинг ҳақиқатдаги қиймати бухгалтерия маълумотлари билан мослигини тасдиқлаш мақсадида 2016 йил корхона Бошқарув Раисининг буйруғига асосан инвентаризация ўтказилган. Асосий воситаларнинг кирими, чиқими, қайта баҳоланиши билан боғлиқ операциялар ва уларнинг расмийлаштирилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКнинг 2016 йилдаги касса операциялари Марказий банк томонидан тасдиқланган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари”га мувофиқ ички аудиторлик текширувдан ўтказилди.

Корхонада белгиланган тартибда касса дафтари юритилган. Касса дафтари рақамланган, шнурланган ва тегишли тарзда муҳр билан тасдиқланган. Кассир касса операциялари бўйича кассир ҳисоботлари ўз вақтида тузилиб бухгалтерияга топширилган. Кассир ҳисоботларига операцияларни тасдиқловчи касса ордерлари илова қилинган. Касса ордерлари касса операцияларини юритиш қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган.

Аудиторлик текшируви жараёнида қассада нақд пулларнинг 3 кундан ортиқ сақлаб туриш ҳолатлари аниқланмади. Касса 19-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартга мувофиқ доимий равишда инвентаризация қилиб борилган. Йил бошига қассада нақд пуллар ва 2016 йил 31 декабр ҳолатига қассада нақд пуллар мавжуд бўлмаган.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИ

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКнинг банкдаги ҳисобрақамлари бўйича операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом” қоидаларига мувофиқ ички аудиторлик текширувдан ўтказилди.

Турли корхоналарга амалга оширилган барча тўлов операциялари бўйича шартномалар мавжуд. Тўлов суммалари тузилган шартномаларга мувофиқ келади.

Корхонанинг асосий ҳисоб рақамида 2016 йил бошига 33933,0 минг сўм, йил охирига 33256,0 минг сўм пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлган. Бухгалтерия балансида кўрсатилган пул маблағи қолдиғи банк кўчирмаси маълумотлари билан мос келади.

Корхонанинг валюта ҳисобрақамида валюта маблағлари мавжуд эмас.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИ

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AKда 2016 йил 1 январ ҳолатига 476,0 минг сўмлик товар-моддий захиралар мавжуд бўлган.

2016 йил 31 декабр ҳолатига эса, товар-моддий захиралар 398,0 минг сўмни ташкил этган.

Йил давомида товар-моддий захираларнинг ҳаракати тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Ёқилғи мойлаш материаллари сарфи йўл варақалари билан назоратга олинган. Эҳтиёт қисмларни ўрнатиш бўйича тегишли далолатномалар тузилган. Товар моддий захираларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномалар мавжуд. Товар моддий захиралар қолдиғининг мавжудлиги ва сақланишини текшириш учун инвентаризация ўтказилган. Товар-моддий захиралар ҳаракати, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши “Товар-моддий захиралар” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ АУДИТИ

Компанияда 2016 йил 1 январ ҳолатига 1773141,0 минг сўм, 31 декабр ҳолатига 23668,0 минг сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган. Ҳисобот саналарига муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаган.

Компанияда 2016 йил 1 январ ҳолатига 0,0 минг сўмлик узоқ муддатли, 285413,0 минг сўмлик жорий кредиторлик қарзлари бўлган. 2016 йил 31 декабр ҳолатига эса узоқ муддатли кредиторлик қарзлари 0,0 минг сўмни, жорий кредиторлик қарзлари 224447,0 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот саналарига муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлмаган.

Корхонанинг молиявий аҳволи ва молиявий барқарорлигини янада яхшилаш мақсадида дебиторлик кредиторлик қарзларини қисқартириш чораларини кўриш тавсия этилади.

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА ТЎЛАНИШИ

Компания, Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ умумий солиқлар тўловчиси ҳисобланади. Шунингдек компания солиқ агенти сифатида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ижтимоий суғурта бадали тўловчиси ҳисобланади. 2016 йил давомида компаниянинг дивиденддан олинган даромадлари солиқ тулангунга қадар фойдадан куп булганлиги сабабли фойда солиғи ва инфратузилма солиғи ҳисобланмаган.

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

2016 йил давомида корхона ходимларига ҳисобланган даромадлардан 79434,8 минг сўм жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланган. Шундан Жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариладиган пенсия счётларига ҳисобланган ажратмалар 5273,1 минг сўмни ташкил этган. 2016 йил давомида ҳисобланган даромад солиғи суммалари ҳар ойда банкка ходимларга тўловлар учун тўлов ҳужжатлари тақдим этилган санага қадар тўлаб берилган.

2016 йил давомида ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга нисбатан 134311,4 минг сўм ягона ижтимоий тўлов, 40293,4 минг сўм ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобланган. Ҳар ойда ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ҳамда ижтимоий суғурта бадаллари кейинги ойнинг 10-санасигача тўлаб берилган.

Ички аудит текшируви жараёнида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўлаб берилиши юзасидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган меъёрларнинг бузилиши ҳолатлари аниқланмади.

Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2013 йилдаги №166 сонли қарори 2-Иловасининг 4 бандига асосан:

Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган руйхат буйича 1 контракт буйича 300 АКШ долларидан 100000 АКШ долларигача тенг суммада товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) давлат харидлари фақат ушбу Низомга мувофиқ ташкил этиладиган ва утказиладиган савдолар орқали амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Компания томонидан 2016 йилда ушбу қарор буйича комиссия томонидан белгиланган руйхат буйича товарлар (ишлар, хизматлар) учун тузилган шартномалар суммаси 300 АКШ долларидан кам миқдорларда эканлиги маълум бўлди. Компания томонидан 2016 йилда биржа савдолари орқали товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилинмаган.

ЯКУНИЙ ҚИСМ

Ички аудит текшируви натижалари бўйича хулоса қилиш мумкинки, “O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” АКнинг 2016 йил учун тасдиқланган бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилган, компанияда ҳисобот йилида корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолати соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради, компанияда ҳисобот йилида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилган ва белгиланган муддатларда тўланган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя

“O`ZMAXSUSMONTAJQURILISH” AK

этилган, активларнинг ҳақиқий ҳолати ҳисоб маълумотлари билан мос келади, ички назорат ўрнатилган ва самарали ишлаган.

Жамиятда 2016 йилда бухгалтерия ҳисобини юритилиши, ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ келади.

Ички аудит хизмати

Игамбердиев Б.А.

